

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**742** Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг  
Андижон филиалини ташкил этиш тўғрисида

Андижон вилояти ўрмон фонди ерларининг экологик ҳолатини яхшилаш, қайта тиклаш, тоғ олди ва адир ерларидан унумли фойдаланиш жумладан, ёнғоқ, pista, бодом кўчатлари ҳамда доривор ўсимликларни етиштиришни кўпайтириш, ўрмонларни кенгайтириш ва ихота ўрмонлари барпо этишда самарали инновацион усулларни қўллаш, ўсимликлар селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш, ўрмон хўжалиги соҳасида кадрлар илмий салоҳиятини янада ошириш, уларни тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Фанлар Академиясининг Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиалини (кейинги ўринларда Филиал деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиалининг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Филиал директори Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти директори тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Филиал директори Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти директори ўринбосарига тенглаштирилади.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

3. Филиалнинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

доривор ўсимликлар уруғчилигини йўлга қўйиш, шунингдек манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини етиштириш ва етказиб бериш;

ўрмон фонди ерларида ноёб манзарали ва мевали, шу жумладан, ёнғок, писта, бодом, унаби ва лимон кўчатлари ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш агротехнологияси бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш;

ўрмон хўжаликларида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, қуёнчиликни ривожлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

манзарали ўсимликлар кўчатларини етиштиришнинг илмий асосларини ҳамда истикболли технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрмон фонди ерларининг экологик ҳолатини яхшилаш, ўрмонларни кенгайтириш ва қайта тиклаш, ихота ўрмонлари барпо этиш бўйича самарали инновацион усулларни ишлаб чиқиш;

эрозияга қарши ўрмон барпо этишнинг илмий асосланган технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш, тоғ ёнбағирларидаги ерларда етиштириладиган, қурғоқчилик, зараркунанда ва касалликларга чидамли ўсимликлар селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

ўрмон хўжалиги соҳаси учун кадрлар илмий салоҳиятини янада ошириш, уларни тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

4. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ва республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

давлат илмий-техника дастурлари доирасида ажратиладиган грантлар;

хўжалик фаолиятдан, халқаро молиявий институтлар ва хорижий донорлик ташкилотларнинг грантлари, шунингдек ҳомийлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки, Филиал ходимларига республика илмий-тадқиқот институтлари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тартиби татбиқ этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Филиалга бир дона махсус автотранспорт таъминотига лимит ажратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси икки ой муддатда:

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиали тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Филиални зарур мебель, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа моддий воситалар билан таъминлаш;

Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўми-

таси билан биргаликда Филиални бўш турган бино билан текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Фан ва технологиялар агентлиги билан биргаликда зарур замонавий лаборатория жиҳозлари сотиб олиш ҳамда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат ва халқаро грантларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Андижон давлат ўрмон хўжалигига белгиланган вазифаларни амалга ошириш жумладан, моддий техник базани ривожлантириш, минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллари сотиб олиш ҳамда айланма маблағлар билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган ҳолда кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

8. Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда заъфарон ўсимлиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, уни кўпайтириш ва етиштиришга ихтисослаштирилган «Shafran ilmiy tadqiqot markazi» масъулияти чекланган жамиятига Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидан 20 гектар ва Марҳамат туманидан 20 гектар унумдорлиги юқори, суғориладиган ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2018 — 2020 йилларда ўрмончилик соҳасини самарали фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ва грантлар ҳисобидан етакчи давлатлар тажрибаларини ўрганишни ташкил қилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 26 июль,  
544-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 26 июлдаги 544-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти  
Андижон филиалининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган сони — 11 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 4 киши.

Илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча равишда мутахассислар ва илмий ходимлар фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб этилиши мумкин.